# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## Оқибатли одамлар

***Раҳмонали тўнғич ўғлини уйлантириш тараддудига тушиб қолди. Аммо...***



Ана шу "аммо" унинг истагига соя солди. Гап шундаки, топгани у ойдан-бу ойга зўрға етади, лекин жўжабирдай жон Раҳмоналининг ўғлини уйлантиришга "мадори йўқ". Энди нима қилмоқ керак? Умид билан қўшма корхона директори идорасига қадам босди... "Ҳамқишлоқ, аҳволни тушунтирса, ёрдам қилар, ўлдими..."

– Туманда 150 минг аҳоли яшайди. Бунча одамнинг ҳаммасига ёрдам бериш учун имкониятим йўқ, – деди директор Раҳмоналининг муддаосини тинглаб бўлгач. – Бугун сизга ёрдам берсам, эртага бошқаси келади. Сиз ҳам шуларнинг биттасисиз-да. Кейин... ким сизга айтди, бу ерга келинг, деб?..

Шу тариқа директор бир соат "ақл" ўргатди. Раҳмонали келганига пушаймон бўлди: "Ўзи нима кераги бор эди?.." Қишлоққа сувга тушган мушукдай бўлиб қайтди. Қўни-қўшнилар ўша заҳотиёқ Раҳмоналини йўқлаб келишди.

– Мамарайимга кирдингми, ёрдам бераман, дедими? – сўради келганларнинг каттароғи Ҳайдар муаллим "нима гап?" дегандай кўз узмасдан тураркан. Раҳмонали пинак бузмагач, азбаройи жони чиққандай дўқ ура кетди: – Нима, тилингни ютиб қўйганмисан? Гапир!..

– Иложи йўқ экан, ёрдам беролмайман, деди. Умид қилувдим...

Ҳайдар муаллим оғир тин олди, ўйга толди: "Аксига олгандай, қўшнилари ва яқин қариндошлари орасида топиш-тутиши дурустроқ одам ҳам йўқ. Қариндоши Жавоҳир эса ўзини "катталар"га яхши кўрсатиш учун кераксиз жойларга ҳомийлик ёрдами кўрсатади-ю, бирор қариндошига ёрдам қўлини чўзган инсонмас..."

Муаллим шуларни ўйлар экан, фикрини бир нуқтага жамлади-да, томоғини қириб, салмоқ билан гап бошлади:

– Энди бундай қиламиз, ука. Ҳаммамиз бирлашиб ўғлингни уйласак-да...

– Йўғ-е, одамлар нима дейди? Ҳамманинг ташвиши ўзига етарли бўлса...

– Оғзига кучи етмагани ҳар нима деяверади-да. Мана, битта семиз қўчқор билан 4 халта буғдой, мендан қарз эмас, шундай хайрияга...

– Биз ҳам қараб турмасмиз, – ҳамқишлоқлари Азамат, Саид, Равшан Ҳайдар муаллимнинг таклифини қувватлашди.

Шундай бўлди. Ҳар ким топганича "қарашди". Тўй чиройли ўтди.

– Мана кўрдингми, – деди Ҳайдар муаллим Раҳмоналига маъракани ўтказгандан сўнг кетар чоғида, – бу – бирликнинг, ҳамжиҳатликнинг ҳикмати.

Раҳмонали жилмайиб муаллимга меҳр билан боқди.

**Илҳом КАРОМОВ**

## Андишами?..

***Нусрат бобо саксондан ошган. Ўн ёшлигида ушлаган кетмонни ҳали ҳам қўлидан қўймайди. Гоҳида ёнига бориб қолсангиз, ҳаётидаги қизиқарли воқеаларни сўзларкан:***

– Соддамиз-да, соддамиз, – деб қўяди.



Тўнғич ўғли Акром тенгқурларига қараганда анчагина ўткир чиқди. Шаҳардаги олийгоҳларнинг бирида ўқиди. Орадан бир йилча ўтгач, бирга таҳсил олган курсдоши Насибага уйланди...

Тўй ташвишларидан анчагина толиққан Нусрат бобо чойхонага чиқиб, тенгқурлари билан бир чақчақлашишни кўнгилга тугиб қўйди. Уйга кириб кийим-бошини ахтарди. Не кўз билан кўрсинки, янги келин эски яхтак, шалворларни қаёққадир беркитиб, ўрнига янги шим, кўйлакни дазмоллаб, илиб қўйибди. Дастлаб дазмолланган кийимларни меҳр билан ушлаб кўрди. Қўлига олиб кийди-да, тош ойнада ўзини томоша қилди.

Супадан тушишда миясига келган фикрдан шартта тўхтади. Қишлоқдошлар "Нусратилло шаҳарлик келин олиб, дарров ўзгариб қолибди. Ҳеч ким киймаган уст-бош олибди, дазмолланганига қаранглар-а", дея устидан куладигандек бўлибди. Ўзини анча ноқулай ҳис қилган Нусрат бобо ортга қайтиб, уйга кирибди-да, уст-бошини ечиб, кроват устидаги кўрпача тагига тиқибди. Устида бироз ўтириб, у ёқ-бу ёққа қимирлади, сўнг ғижимланган охори тўкилмаган кийимларни олиб кийибди-да, хотиржам чойхонага йўл олибди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**

## Меҳнатинг ҳалол бўлса...

***– Яхшигина касбим бўлса ҳам бир-икки оғайнилар, улфатлар маслаҳати билан ўтган йили Россия тарафларга ишга бордим, – дейди Баҳодир ака.***

–Яхши одамлар билан топишганим, қолаверса, усталигим асқотиб, олти ойча зўр бериб ишладим. Тежаб-тергаб, камхарж бўлиб, икки ярим минг доллардан зиёдроқ маблағ тўпладим.



Бир куни охирги буюртмани якунлаганимдан сўнг, эртага уйга қайтишни кўнгилга тугиб, ётоқ жойга қайтаётганимда безориларга дуч келиб, эгнимдаги куртkaни олдирдим. Аксига олиб пулнинг ҳаммасини курткамнинг ички томонига яхшилаб жойлаштирган эдим. Ўрнига улар "инсоф" қилиб ташлаб кетган увадаси чиққан, эски чарм курткага эгалик қилдим. Афтидан, бу ҳам кимдандир тортиб олинган бўлса керак, деб ўйлайман уларга лаънатлар ёғдирарканман.

Хуллас, орадан бирмунча муддат ўтгач, ҳеч вақосиз уйга келдим. Мана шуниси алам қилади одамга. Бекор ўтган вақтга ачинасан киши. Гоҳо, ўзимга тасалли ҳам бериб қўяман: "Ахир, ўша кимсалар молингдан ташқари жонингга ҳам озор етказиши мумкин эди-ку. Эсон-омон қайтганингга шукр қилмайсанми?" деб.

Бироқ, ҳалол меҳнатнинг ҳақи ҳеч қачон юзага чиқмасдан қолмас экан. Бунга ўзим амин бўлдим. Меҳнатларим зое кетмабди. Гап шундаки, менга тортиқ қилинган ўша куртканинг худди ўзим жойлаштиргандек жойида икки минг беш юз доллар борлигини тасодифан билиб қолдим. Балки бошқалар бунга ишонишмас, лекин бу бор гап. Буни мен худонинг саховати, пешона тернинг бесамар кетмаслигига далолат сифатида қабул қилганман, дея гапини якунлайди у киши ҳам маҳзун, ҳам мамнун кайфиятда.

Ҳаёт тасодифларга бой, деганлари шумикан?

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**

# Маънавияти юксак халқ саодатли

(Боши 1-бетда)

Ўзбек борки, уйини чиройли қилиб жиҳозлайди. Лекин уйингизда байроқ борми? Ўзбекистоннинг байроғи?"

–Ўзимдан уялиб кетдим. Қаршимдаги чолнинг тийрак нигоҳидан кўзларимни олиб қочдим. Ахир ўзим зиёлилар вакили бўла туриб, уйда байроқ сақлашни ҳазм қилолмасдим... эриш туюларди менга. Айни пайтда миллий ғурур ҳисси шу кунгача кўнглимда уйғонмай яшаётганимни ҳис қилдим, - деган эди ҳамкасбим куюниб.

Журналист Иброҳим Норматовнинг "Маънавиятсиз эркинлик бўладими?" мақоласини ўқиб, ўша ҳамкасбим кечинмаларини англадим ва кўпдан буён юракка тугиб юрган гапларимни айтишга қарор қилдим.

Биз уч минг йиллик тарихга эга халқмиз. Асрлар оша сайқаллашган қадриятларимиз, анъаналаримиз борки, уларни демократик мезонлар қобиғидаги шарт-шароитларга алиштириш ўзликдан кечишдир. Муаллиф айтмоқчи "...демократлар ҳеч бир тарихий, диний-этник, маънавий-маърифий асосга эга бўлмаган, ўзлари ўйлаб топган турмуш тарзларини" бизнинг ҳаётимизга тиқиштириши калтабинликдир. Лекин бу калтабинликдан манфаатдорларнинг ғаламис уринишларига шунчаки қўл силтаб бўлмайди. Чунки унинг нохуш оқибатлари қисқа фурсатдаёқ маънавий оламимизга дахл қила бошлади. Мисол тариқасида ёшларимиз ахлоқидаги қусурларни олиб қарайлик. Оғриғимизга айланган бу қусурларни бирма-бир санамайман, бироқ бунинг сабабини таъкидламай иложим йўқ. Наинки ёшлар, балки оқ-қорани таниш палласидан ўтган айрим кишиларимизнинг ҳам ғарб демократиясини замонавийлик тимсоли деб тушунишлари улар онги ва руҳиятида пайдо бўлган бўшлиқнинг "ғарб демократияси экспортчилари" томонидан тўлдирилиши ҳамда бунга ҳамон зўр бераётганликлари ҳосиласи эмасми?!

Андижон воқеаларидан кейин учта вилоят (Сирдарё, Тошкент ва Фарғона)нинг деярли барча туманларида одамлар билан учрашдик. Уларнинг фикрлари, ташвишлари билан ўртоқлашдик. Ана шундай учрашувлардан бирида, янглишмасам, Тошкент туманида Ҳабибулла исмли имом-хатиб ёзғириб қолди:

–Менга айтинг-чи, мана шу... фаҳш, наркомания, террорни тарғиб қиладиган турли видеокассеталар маънавиятимизга керакми? Қаердан кириб келаяпти улар? Ахир шаҳар бедарвоза эмас-ку!.. Баъзан оила билан телевизор кўриб ўтирсангиз, уялиб кетасиз. Бундай бузуқчиликларнинг ўрнига Навоий, Бедил асарларини чуқур ўргатувчи маънавиятимиз гултожига эркинлик берайлик. Минг йиллаб тўпланиб келган одоб-ахлоқни тараннум этувчи кўрсатувлар, киноасарлар, мақолалар оммага тарғиб этилсин.

**Журналист Иброҳим Норматовнинг "Маънавиятсиз эркинлик бўладими?" мақоласини ўқиб, ўша ҳамкасбим кечинмаларини англадим ва кўпдан буён юракка тугиб юрган гапларимни айтишга қарор қилдим.**

Бу турмушимиздаги иллатлардан фақат биттаси, холос. Агар вазият шу тарзда кечаверса, маънавиятимизга таҳдид солаётган мафкуравий хуруж ташаббускорларининг ошиғи олчи бўлиши тайин. Бу эса фожеа...

Ёки мана бу оддий ҳақиқатга эътибор қилинг-а. Навоийни улуғлаймиз, таваллуд айёмида ҳайкалининг пойига гул қўямиз. Бироқ қайси биримиз у ёзган бирон асарни тўлиғича тушуниб, англаб ўқий оламиз? Навоий асарларида мавжуд олтмиш минг атаманинг бор-йўғи 10 мингини луғатимизда қўллаймиз. Унинг ғазалларига басталанган қўшиқларни сел бўлиб тинглаймиз-у, мазмунини билмаймиз. Энг ачинарлиси, болаларимиз ҳам ўзимиз каби Навоий тилини, Бедил тилини билмайдилар, аммо уларнинг инглиз ё немис тилини зўр билишлари учун маблағни ҳам, вақтни ҳам аямаймиз. Йўқ, мен ёшларнинг тил ўрганишларига қарши эмасман. Глобаллашув шароитида тараққиётга эришишнинг муҳим шартларидан бири бу. Лекин аждодларимизнинг тили, умуман, маънавий мероси билан ёшларни тўйинтирмай туриб, ўзга халқ, ўзга миллат маънавиятини тиқиштириш ўз эркинлигимизни ўзгалар қўлига топшириш билан баравар-ку.

Дарвоқе, вилоятларда бўлган учрашувларда одамларимизда ватанпарварлик ҳисси қай даражада эканини кузатдим.

Ватандошларимиз, дейлик, ўша ривожланган Японияни ҳам четдан келганлар эмас, балки ватанпарвар халқи бунёд этганини, худди шундай, мустақилликнинг эндигина 14 йилини қарши олаётган мамлакатимиз равнақи-да ўзимизга боғлиқлигини, биров келиб ҳаётимизни гўзаллаштирмаслигини англаганлар. Бироқ, тан олиш керак, ҳозирча одамларимиз мадҳиямиз янграганда дик этиб ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб бутун вужуди билан қўшилиб куйлаётганлари йўқ. Мени таассуфга солган яна бир ҳолат шуки, жойларда аксар фуқароларимиз давлатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларини билмайдилар. Мустақиллик нима берди, дегувчи ғофиллар ҳам бор. Агар уларга "Ялпи ички маҳсулот 1991 йилда – 11 эди, бугун + 7,7 бўлди. Бундан 14 йил олдин ғалланиям, автомобилниям, шакарниям, ҳатто оддий сақични ҳам сотиб олганмиз. Бугун бозорларимиздаги маҳсулотлар, ҳатто автомобиллар ҳам ўзимизники... Ялпи ички маҳсулотнинг 36 фоизини кичик корхоналар бераяпти. Енгил саноатимиз оёққа турди", дея истиқлол берган имкониятларни санасангиз, "Ие, шунақами?" дейишади.

Шу ўринда "Маънавиятсиз эркинлик бўладими?" мақоласидан бағоят таъсирланганим баробарида ундаги баъзи фикрларга қўшилмаслигимни ҳам айтмоқчиман.

Мақолада муаллиф ваҳҳобийлик йўлини тутган бир йигитни ғарбона демократия тарафдори сифатида кўрсатади. Кечирасиз-у, ваҳҳобийлар на динни, на демократияни тушунадилар. Улар демократияни ғазаб билан тилга олишади. Бу оқимнинг ғояси ҳеч қачон демократияни ўзига сиғдирмайди.

Ёки унда яна "Биз етти авлодимизни билишимиз шарт. Улар (ғарб демократиясида яшаётган давлатлар фуқаролари – И.Л.) ўз ота-оналари кимлигини ҳам билишмайди. Биз топганимизни фарзанд тарбиясига сарфлаймиз. Улар емай-ичмай ит боқишади..." каби сатрларни ўқиймиз.

Бу сатрлар анчайин муболаға... Ахир ҳайвон ҳам ўз онасини билади-ку! Назаримда, бирон миллат, бирон халқ ҳақида гапирганда етти ўлчаб бир кесмоқ керак. Журналистик этика меъёрларини ҳиссиёт устунлиги билан унутиб юбормаслик шарт.

Бу менинг фикрим. Умуман, мақолани ҳар бир юртдошимиз ўқиб, хулоса ясаса, дейман. Муҳими, биз ўз эркимизни маънан қуллик хатари остида қолдирмайлик.

**Ф.МАҲКАМОВА ёзиб олди.**

# Мустақиллик иншоотлари



Мустақиллик байрами арафасида кўплаб янги иншоотларни фойдаланишга топшириш ажойиб анъанага айланган. Қарши шаҳри марказида бунёд этилаётган 20 минг ўринли спорт ўйингоҳи ва олимпия заҳиралари спорт коллежи биноси қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда.

СУРАТЛАРДА: қурилиш жараёнидан лавҳалар.

**Б.АКРАМОВ олган суратлар.**

# Имконият ва масъулият

***Мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг июнь ойида қабул қилинган қарор ва фармонлари бу борадаги ишларни янада жонлантиришга замин яратди.***

Мустақиллик яратиб берган имкониятлардан ўз ўрнида фойдаланиб, мен ҳам шу соҳада ўзимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Бундан тўрт йил олдин мебель ишлаб чиқарадиган корхона очдик. Аста-секин фаолият турларини кенгайтириб бордик. Ҳукуматимиз томонидан болалар спортини ривожлантириш, мактаблар моддий базасини яхшилашга алоҳида эътибор берила бошлагач, корхонамиз фаолияти янада жонланди. Яъни, турли хил спорт инвентарлари ва мактаб мебеллари тайёрлай бошладик.

Асосийси, хомашё ўзимизники, маҳсулотларимиз хорижникидан қарийб икки баробар арзон. Амалга ошираётган ишларимиз беҳуда кетмаяпти. Жорий йилда «Ташаббус-2005» кўрик-танловида Самарқанд вилояти бўйича «Энг илғор тадбиркор» йўналишида ғолиб чиқдим.

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори биз учун ҳақиқий ғамхўрлик намунаси бўлди.

Шу пайтгача ҳар ойнинг ярмига бориб, ҳисоботлар ваҳимаси бошланарди. Бу ҳужжатларни тайёрлаш майли-я, уни топшириб олишнинг ўзи бир азоб эди. Энди бу ишлар ҳар чоракда бажарилади. Шунингдек, шу пайтгача амалда бўлган тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини тақиқлаш ёки амал қилишини тугатиш каби чоралар фақат суд тартибидагина қўлланиши белгиланганлиги тадбиркорлар ишини енгиллаштиради.

Илгари тижорат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор аввало, юридик шахс сифатида маҳаллий ҳокимият, солиқ, статистика ва ички ишлар бўлимларидан рўйхатдан ўтиши, қолаверса, улгуржи ёки чакана савдо, тамаки ёки спиртли ичимликлар савдоси учун ҳам алоҳида-алоҳида лицензия олиши шарт эди. Президентимизнинг қарор ва фармонларига биноан бу тизим бутунлай соддалашди.

Биз тадбиркорларнинг зиммасида етарлича масъулият бор. Барчамиз, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз, белгиланган қонун меъёрларига сўзсиз риоя этишимиз, юртимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозим.

**Раҳматжон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Самарқанд туманидаги «Отабек» масъулияти чекланган жамияти раҳбари**
**(ЎзА)**

# Тадбиркор фаоллиги тараққиёт демакдир

(Боши 1-бетда)

2001-2004 йиллар давомида тўртта ишлаб чиқариш корхоналарига ("Чуст Голден Фрут ЛТД", "Ас-Шах", "Исковуттекс", "Миришкор" қўшма корхоналари) жами 7,3 миллион АҚШ доллари ва 5,1 миллион евро миқдорида хорижий кредит линиялари ҳисобидан маблағлар йўналтирилган. Натижада Наманган, Поп, Тўрақўрғон ва Чуст туманларида 420 та янги қўшимча иш ўринлари яратилган.

2005 йил биринчи чорагида вилоятдаги 328 та тадбиркорлик субъектларига 3950 миллион сўм, шу жумладан, банк маблағлари ҳисобидан 3720 миллион сўм, бюджетдан ташқари ("Бандлик" ва "Деҳқон ва фермер хўжаликлари") жамғармалар маблағлари ҳисобидан 231 миллион сўм кредит ажратилган. Уларнинг 33 фоизи саноатга, 20 фоизи қишлоқ хўжалигига, 39 фоизи айланма маблағларни тўлдиришга қаратилган. Буларнинг эвазига асосий эътибор янги иш ўринларини ташкил этиш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Масалан, "Асакабанк" вилоят бўлимининг "Уммон СБК" МЧЖга паррандачиликни ривожлантиришга ажратган 50 миллион сўм кредити эвазига 163 миллион сўмга тухум етиштирилиб, Наманган туманида 40 киши доимий иш ўринлари билан таъминланган.

Ўрганиш жараёнида эришилган ютуқлар билан бир қаторда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида айрим камчиликлар мавжудлиги ҳам аниқланди.

Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари тадбиркорлар билан бевосита учрашувлар ўтказтш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, корхоналарнинг фаолият кўрсатмаётганлиги сабабларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш борасидаги ишлари етарли даражада эмас. Оқибатда 2003-2004 йиллар якунлари бўйича фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг камайишига йўл қўйилган. Фаолият юритаётган корхоналар сони 2003 йилда ҳар 1000 кишига 6,4 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 5,9 тага тўғри келган. Бу республика кўрсаткичидан деярли икки марта кам. Кўпгина тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини тўхтатган бўлса-да, тижорат банкларидаги ўз ҳисоб рақамларини ёпмаган.

**Фаолият юритаётган корхоналар сони 2003 йилда ҳар 1000 кишига 6,4 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 5,9 тага тўғри келган.**

Вилоятда тадбиркорлик субъектларининг умумий сони асосан фермер ва юридик мақомдаги деҳқон хўжаликлари ҳисобига ошмоқда. Саноат, қурилиш, савдо ва бошқа пулли хизмат кўрсатиш соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Агар 2003 йилда тадбиркорлик субъектларининг 8343 таси фаолият кўрсатган бўлса, уларнинг сони 2004 йилда 3041 тага камайган.

2003 йилда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг 12 фоизи, 2004 йилда эса 10 фоизидан кўпроғи банк кредитларидан фойдаланган. Чунки, тадбиркорларда кафолатланган лойиҳалар етарли эмас, аксарият ҳолларда кам айланма маблағлар талаб этадиган фаолият турлари билан шуғулланиб, замонавий технологиялар кенг жорий этилмаган. Бир сўз билан айтганда, уларга бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган бизнес режалар тузишда етарли амалий ёрдам кўрсатилмаяпти.

Ушбу ҳолатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришни мувофиқлаштирувчи Кенгашлар йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, таъсирчан чоралар кўриб, тавсиялар берилмаяпти.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилиши қонуннинг 11-моддасида белгилаб қўйилган. Лекин айрим ҳолларда белгиланган талабларни тўлиқ ижро этмаслик ҳолатлари мавжуд. Тўрақўрғон туман тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси амалдаги тартиб талабларига риоя қилмасдан, ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштириб бермаслик, давлат божларини ўз вақтида ундирмаслик ҳолатларига йўл қўйган. Масалан, фуқаролар С.Мадраҳимовага 14.07.2004 йилдаги 701-сонли ва И.Мадраҳимовага 19.07.2004 йилдаги 706-сонли гувоҳномалар туман давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчининг идентификация рақами олинмасдан бериб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарорига биноан янги фаолият бошловчи тадбиркорларга архитектура-режа топшириқлари, иморатни турар-жой типидан нотурар-жой типига ўтказиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун алоқа, сувоқова ва иссиқлик манбаи каби муҳандислик идораларидан техник топшириқномалар олиш бўйича вазифалар бўлишига қарамай, туман инспекциялари тадбиркорларни фақат электр энергияси ва газ билан таъминлашга доир ҳужжатларни расмийлаштириш билан чекланиб қолган.

Қонуннинг 15-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши ҳамда тадбиркорлик субъектлари имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган бўлишига қарамай тижорат банкларида амалдаги қонунчилик талабларини бузиш ҳоллари мавжуд. 2004 йилда 103 ҳолатда қонун бузилган бўлса, 2005 йилнинг ўрганилган даврида 38 тани ташкил этади. Масалан, Мингбулоқ туманидаги "Қодирали ота" фермер хўжалигига 2005 йил ғалла ҳосили учун 701 минг сўм кредит маблағлари ажратишда собиқ "Заминбанк" вилоят бошқармаси томонидан ортиқча ҳужжатлар, яъни солиқ идораларидан бериладиган СТИР ҳақида ва статистика органлари томонидан корхонага бериладиган гувоҳномалар нусхалари талаб этилган.

Қонуннинг 17-моддасида давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларига тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот турларини талаб этиш ман этилган.

**Назорат-таҳлил фаолияти давомида сўралган 238 та тадбиркордан 70 таси ҳисобот топшириш даврида ортиқча ҳужжатлар ва шартнома нусхалари сўралаётганлигини эътироф этдилар.**

Назорат-таҳлил фаолияти давомида сўралган 238 та тадбиркордан 70 таси ҳисобот топшириш даврида ортиқча ҳужжатлар ва шартнома нусхалари сўралаётганлигини эътироф этдилар.

Фермерларнинг машаққатли меҳнати, пешона тери билан етиштирилган ва давлат эҳтиёжлари учун харид қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ажратилган маблағлар айрим мутасадди ташкилотлар айби билан уларга вақтида етказиб берилмаяпти. Бу борада Республика фермерлар уюшмаси ва унинг жойлардаги вакиллари қатъийлик кўрсатмаяптилар.

"Тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"-ги Қонуннинг ҳаётга жорий этилишидаги баъзи бир нуқсонлар, яъни жойлардаги ижроия органларининг тадбиркорлик субъектларини эркин ишлашларига қулай шароитлар яратишга етарли эътибор қилмаётганлиги, асосий фаолиятни амалга оширишда маълум қийинчиликларга дуч келаётганлиги ва айни пайтда уларнинг фаолиятига аралашувлар ҳамда маъмурий идоралар томонидан ўтказилаётган ноқонуний текширишларда намоён бўлмоқда.

Айнан шу муаммоларни ҳал этишда Президентимиз томонидан яқинда қабул қилинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор Фармон ҳамда қарорлари ушбу соҳанинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат бошқаруви ҳамда назорат органларининг улар фаолиятига асоссиз аралашувини чеклаш, солиқ юкини камайтириш ва рақобат муҳитини яхшилаш йўлидаги ўта муҳим ва долзарб тадбирлар ҳисобланади.

**Нумонжон АҲМАДЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси**

МУКА 1 сорт 200,4 ▲ + 0,3 | МУКА 2 сорт 180,0 ▲ +0,002 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 5,0 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 - | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 - | АММОФОС - | КАРБАМИД 146,2 ▲ + 2,6

***Қўрғонга кираверишда пайтида сойда пишқириб оқаётган сувга дуч келдик. Тоғлар қучоғида яширинган Катта Эжга қадам қўйдик. Тор, эгри-бугри тош йўллар ичкарига бошлайди. Бир-бирига кифт тираган чўққилар зангори осмонга бош қўйгандек эди.***

Зиёли Абдуназар Набиев бу гўшанинг ҳар бир гиёҳи-ю, ҳар парча тошни умр бўйи кўзига суртиб келади, десак муболағаси йўқ. У тўғрисўз, юрт учун фидойи, тоғликларнинг аҳли дониши. Шу билан бирга Абдуназар ўз ўлкасининг билимдони.

# Ғорикон ғорининг ғаройиботлари

МОЗИЙ

– Биз Фужак сойи билан бормоқдамиз, – дейди ҳамроҳим, – унинг узунлиги беш чақиримдан иборат. Бу сой ярмидан икки жилғага бўлинган. Уларнинг фақат бирида сув бор.

Кунжитранг, тиллоранг, оқ-қора, сарғишранг қоялар бир-бирига эртак сўзлашаётгандек гўё. Гап билан бўлиб, сувли жилғанинг охирига етиб борибмиз. Бу ерда уч-тўрт хонадон кўзга ташланади. Уларнинг томорқаларида ёнғоқзору, ўрикзорлар, олмазору шафтолизорлар тилло рангда жилоланиб турибди. Табиатнинг кўрку жамолига ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас билан боқасиз.

Нурота тоғ тизмаларидаги Фужак тоғларининг узунлиги беш километр. Уларнинг баландлиги денгиз сатҳидан 1700-1800 метрни ташкил этади. Сувли жилғанинг чап томонидаги қалъа харобалари эътиборимизни тортди. Бу қалъа суғдийлар меъморий услублари асосида бунёд этилган бўлиб, деворининг эни бир метр. У энг силлиқ ва катта тошлар билан безатилган.

Қалъа ичига кирамиз. Унда битта кириш дарвозаси ва кичик орқа эшиги бор. Қалъа ўртасида, йўлак охирроғидаги уйларда суғд бойлари ва оқсоқоллари истиқомат қилган. Йўлакнинг кунчиқар томонида хизматкорлар ва фуқаролар учун хоналар қад ростлаган бўлиб, кунботар томонда молхона қолдиқлари мавжуд. Бу қўрғон ерлик аҳолининг ҳимоя воситаси саналган.

Қалъа тубида Фужак булоғи бўлиб, у секундига беш литр шифобахш тоза сув чиқаради. Қўрғонга боришда ўнг томонда жилғадан баландда Ғорикон ғори мавжуд. Ғориконнинг кириш жойи кичкина, бир метрни ташкил этади. Ичига қадам қўйсангиз, олтига олти метрли каттагина саҳна бор. Ғорнинг баландлиги 1,8-2 метрдан иборат. Саҳнадан ўтилгач, ичкарига қараб кетган лаҳмга кўзингиз тушади. Ер ости йўлидаги тошлар йиллар ўта борган сайин чўкиб қолган.

Айтишларича, мўғуллар босқини даврида улар тоғ-тошларни йўниб, уни эритиб темир олишган ва ундан ҳар хил иш ва уруш қуроллари ясашган экан. Ғорда ёқилган ўтнинг тутуни тоғ тепасидаги мўри билан қарийб 120 метр баландликдан сўнг ташқарига чиққан. Бу ўша даврнинг сирли хилқатларидир.

Бизнингча, Ғорикон ғорининг неча юз йилларга бориб тақалувчи сиру синоатларига ойдинлик киритиш учун археологик қазишмалар олиб борилса, айни муддао бўлар эди.

Фужак қалъасининг қадимийлиги шундан иборатки, бу ерда аҳоли кўпайгач, унинг бир қисми Зеҳнок қишлоғидаги Офат қўрғонига кўчиб ўтганлар. Таниқли олим, профессор Додо Нозилов бу қўрғон XIII асрда қурилганлигини ўз илмий ишларида таъкидлаган.

Офат қўрғони ҳақида шундай бир ривоят ҳам мавжуд. Қўрғон кишилари мард, қўрқмас ва жангда моҳир бўлишган экан. Улар мўғуллар босқини давригача мерганлар овлаган алқор ва кийиклар гўштини бир қозонда пишириб, баҳам кўрган эканлар. Мўғуллар келгач, Офат қўрғони аҳолиси уларга қарши муросасиз уруш олиб бориш учун тоғларда бошпана топган.

Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида овчи оқ олқор отиб келиб, уни пишириб, мўғул аскарларига тортиқ қилибди. Босқинчилар овқатни талашиб-тортишиб ейишган. Маълум бўлишича, шу оқшом уларнинг ҳаммаси ўлиб қолган. Ажабо, оқ олқор гўштида қандай ҳикмат бўлган? Уни худди Танги юборгандай, ахир кийик оқ бўлмайди-да.

Қиссадан ҳисса шуки, бегуноҳ одамларга тиғ санчган, нияти нопок кимсаларнинг хонумони куйиши тайин. Ёвнинг қирилиши Офат қўрғонининг шуҳратини оширган. Шубҳасиз, тарихнинг биз билган ва билмаган сирли хилқатлари кишиларни мангу ҳайратга солаверади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Зарбдорда шундай маскан бор...

***Ёз мавсумида касб-ҳунар коллежлари ва бошқа ўқув юртлари ҳақида гап кетадиган бўлса, айрим кишилар "Ҳозир бу ерларда таътил пайти, суҳбатлашиш учун масъул кишиларни топиш қийин бўлса керак" деган фикрни билдиришади. Бу гапда маълум даражада жон бор, албатта.***

Шундай билим масканларида ёзнинг атиги икки ойи давомида ҳаёт жўшқинлиги бирмунча пасаяди. Лекин шу даврда ҳам бундай ўқув даргоҳлари билимга чанқоқ ёшлар билан анча гавжум бўлади. Яъни янги ўқув йилига турли йўналишлар бўйича талабаларни ўқишга қабул қилиш жараёнининг устидан чиқиш мумкин. Бундан ташқари ўқув-тажриба хўжаликларида, соғломлаштириш оромгоҳларида ва бошқа жойларда лабораторияларда олинган билимларни амалий жиҳатдан тажрибадан ўтказиш, келгуси ишларга пухта тараддуд кўриш қизғин давом этади.

Жиззах вилоятидаги Зарбдор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи фаолиятига назар ташласак, худди шундай манзаранинг гувоҳи бўламиз. Коллеж директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Сайфиддин Маҳмудовни ўқув-тажриба хўжалигида ёшлар билан биргаликда 14 гектар ердаги пахтани озиқлантириш, суғориш билан машғул бўлиб турган пайтда учратдик.

–Коллежимиз асосан қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлайди, – дейди у. – Шунинг учун ҳам ўқув жараёнида олинган билимларни тажрибада синаб кўриш, ҳар бир ишни амалда бажаришга кўникма ҳосил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўқув-тажриба хўжалигимизга 24,5 гектар ер ажратиб берилган. Ихтиёримиздаги Т-150К, ТТЗ-11-80, ТЛ-100 ва бошқа техника воситаларидан фойдаланган ҳолда пахта ҳамда ғалла етиштиришни ёшларга ўргатиш, уларнинг малака ҳосил қилишларига кўмаклашиш асосий мақсадимиздир. 2004 йили 51 тоннадан зиёд пахта етиштиргандик. Бу йил эса 26 тоннадан зиёд ғалла сотишга муваффақ бўлдик. Пахта ҳосилдорлигини 2005 йили 35 центнердан оширишни кўзлаганмиз. Тажриба хўжалигида ишларни кўнгилдагидек олиб бориш учун зарур шароитлар яратилган. Хусусан, ёшларимиз махсус жиҳозланган автобус билан таъминланганлар.

ИСЛОҲОТ









Зарбдор шаҳарчасининг Абдураҳмонов кўчасида жойлашган бу касб-ҳунар коллежи шу кунларда ўқув юртига кириш иштиёқида бўлган ёшлар билан гавжум. 720 талабага мўлжалланган мазкур билим масканида фермер-ўсимликшунослик, ЭҲМ оператори, бухгалтерия ҳисоби, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, ирригация, гидромелиоратив қурилиш машиналарини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, агрономия, тикувчилик ва бошқа жами 11 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Шунинг учун ҳам бу ерда билим олишга талабгорлар кўп.

–Билим масканимиз 1983 йили техника билим юрти сифатида ташкил топиб, 1996 йилдан бошлаб лицейга, 2001 йилдан эса Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га асосан касб-ҳунар коллежига айлантирилди, - дейди ушбу ўқув маскани директори Норбек Нушаров. – Касб-ҳунар коллежи бугунги кун талабларига жавоб бериши учун кўплаб амалий тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, Япония ҳукумати томонидан ажратилган 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги грант ҳисобидан ўқув маскани биноларини кенг миқёсда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ўқув жиҳозлари, техника воситалари сотиб олинди. Ана шулар эвазига учта синф хонаси замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Лингафон хонаси, кимё, биология, физика лабораторилари энг зарур ўқув жиҳозлари ва қўлланмалари билан таъминланган. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида икки нафар ўқитувчимиз Японияда бўлишиб, тажриба алмашиб қайтишди. Ана шу ишларни ташкил этишда Худойберди Бўриев, Улмоной Файзуллаева, Зебохон Исломова, Ином Хўжабеков ва бошқа мутахассисларимиз намуна бўлмоқдалар.

Коллежда билим ва тажриба бериш билан бирга ёшларнинг жисмоний соғлом бўлиб камолга етишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил Тошкент вилоятида ўтказилган "Баркамол авлод" спорт ўйинларида коллеж талабаларидан Дилафрўз Жониқулова, Севара Кунгирбоева, Умида Абдуқодирова сингари волейболчи қизлар фаол қатнашдилар. Спортга меҳр қўйган Жамол Ашуров бу мусобақаларнинг бронза медалига сазовор бўлди.

**12 мингдан зиёд турли дарсликлар, қўлланмалар ва бадиий адабиёт намуналари бўлган кутубхонада кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган. Марғуба Жонузоқова, Феруза Худойберганова "Энг яхши китобхон" кўрик-танловида юқори ўринларни эгаллашди. Ёшлар зиё масканидаги муваффақиятларни таъкидлаш билан бирга ўзларининг айрим таклиф-мулоҳазаларини ҳам ўртага ташлашди. Хусусан, кутубхонада мустақилликкача бўлган даврда чоп этилган китоблар кўпчиликни ташкил этади. Истиқлол йилларида босиб чиқарилганлари эса бирмунча кам. Бундан ташқари кутубхона жаҳон адабиёти намуналари билан тўлдирилса, нур устига аъло нур бўлур эди.**

**Жиззах қўриғидаги Зарбдор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини тугатган ёшлар бугунги кунда нафақат бу вилоятда, балки мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам тармоқни ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқдалар. Ана шу билим ва тарбия масканида шаклланган анъаналар уларнинг ворислари томонидан муносиб давом эттирилаяпти.**

**Норқул МАМИРОВ**

ИЗЛАНИШ

# Чимбойнинг янги навлари

***Қорақалпоғистон - жаҳондаги пахта экиладиган энг шимолий ҳудудлардан ҳисобланади. Ўлкага баҳор баъзан кеч келади, куз нисбатан барвақт бошланади. Орол денгизининг қуриши оқибатида эса кейинги ўн йилликларда об-ҳаво кескин ўзгарди. Бу мураккаб вазият селекционер олимлар зиммасига эртапишар, узун толали, касалликларга чидамли ғўза навларини яратиш, ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш каби муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда.***

Тўғрисини айтганда бу машаққатли, айни пайтда хайрли юмушлар билан шуғулланаётган Чимбойдаги академик Шомурод Мусаев номли Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг бир гуруҳ олимлари қувонарли натижаларни қўлга киритишмоқда. Узоқ йиллик изланишлар самараси ўлароқ яратилган (XX асрнинг 70-90 йилларида) "Чимбой-3010", "Чимбой-3104", "Чимбой-4104" навлари пахтакорлар томонидан мамнуният билан қабул қилинган эди. Аммо бу навларнинг пишиб етилиши учун 130-150 кун талаб этилади. Мураккаб об-ҳаво шароитида деҳқончилик қилаётган қорақалпоғистонлик пахтакорлар эса селекционер олимлардан 115-120 кунда пишиб етиладиган ғўза навларини кутар эди.

Институт бўлим мудири, қишлоқ хўжалик фанлар номзоди У.Айтжоновнинг таъкидлашича, кейинги беш йилда бу борада яхши натижаларга эришилди. Яъни "Чимбой-3153", "Дўстлик-2", "Чимбой-3184", "Орол-2", "Чимбой-4137", "Чимбой-3512", "Чимбой-5018" навлари яратилиб тажрибада синаб кўрилди. Айниқса, "Чимбой-5018" нави истиқболли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат нав синаш ҳайъати томонидан рўйхатга олинди. Бу нав пахтакорлар кутганидек, 115-120 кунда пишиб етилади. Ҳосилдорлик гектарига 40 центнергача етади. Ҳар бир кўсак етти граммгача тош босади. Толаси 37,8 фоизга, тола узунлиги 33,4 миллиметргача тенг келади.

Шунингдек, сувга чидамли, тезпишар "Орол-2" навининг яратилиши чимбойлик селекционерларнинг соҳадаги яна бир ютуғидир. Янги нав, шубҳасиз Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудларида ғоят қўл келади.

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

# Элнинг пули "чалпак"ми?

***Бир тўйда ширакайф бўлиб қолган киши даврадан чиқмай "Андижон полкаси"га рақсга тушади. Тўй бошловчиси уни имлаб бир четга тортаркан:***

- Ука, биров не умидлар билан йиғиниб тўй қиляпти. Илтимос, дилхиралик қилмасангиз, - деди.

- Ҳозир акахон, бир марта "Тановар"га ўйнай. Машшоқ, илтимос, энди "Тановар"ни чалинг!

Бу бир латифанамо гап, ибратли сабоқ ҳам. Негаки...

"Ёшлар" телеканалида намойиш этилаётган "Муҳаббат можароси" сериали кишига шу латифани эслатади. Қизиқ, "Муҳаббат қаҳваси", "...можароси"га айланибди. Гавёта эса Паломага!

Дастлаб бу бошқа фильмдир, қанчадан-қанча маблағ сарфлаб ўтган йили "Муҳаббат қаҳваси"ни, бугун эса айнан шу фильмнинг исмлари ўзгартирилган бошқа бир варианти сотиб олинмагандир, таржимаю дубляж учун минг-минглаб харажат қилинади, ахир, деб умид қилдик. Бироқ... "Муҳаббат можароси"нинг уч-тўрт қисмини кўргач, бу икки сериал битталигига ишондик. Наҳотки, мутасаддилар "Муҳаббат можароси", "Муҳаббат қаҳваси"нинг айнан ўзи эканлигини билишмаган бўлса? Ёхуд "эркин муҳаббат"ни тарғиб этувчи фильм шу қадар кучли, тарбиявий аҳамиятга эгамидики, унинг қаҳрамонларини гоҳ Палома-ю, Диего, гоҳ Гавёта-ю, Себастьян талқинида намойиш этиш шунчалар зарур бўлса? Яна қанчадан-қанча маблағ сарф этилишига нима дейсиз?

МУНОСАБАТ

Бу, оддий қилиб айтганда, томошабинларга нисбатан ҳурматсизлик эмасми? Бир фильмига икки бор сарфланган маблағга халқимиз руҳиятига мос, маънавиятимиз юксалишига, ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир қилувчи бирор янги фильм харид қилиш мумкин эди-ку? Бу ҳақда фильм олди-сотдиси билан шуғулланувчилар бир ўйлаб кўришганида яхши бўларди. Балки, ҳадеб "Тановар"га рақсга тушиш шарт эмасдир. Ҳар ҳолда, элнинг пули осмондан тушмайди, мақсадли харажатга нима етсин?! Сиз бунга нима дейсиз?

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**журналист.**

**Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар диққатига!**

**"TEMUR-SHOXNODIR-SERVIS"**
**хусусий корхонаси:**
**- Пахта териш фартуклари, ишчи кийимлар, иш ҳамда сварка қўлқоплари, эркак ва аёллар либослари, чойшаблар, бежирим пардалар сотади;**
**- Турли панжаралар, дарвоза, эшиклар, асбоблар ва ностандарт дастгоҳларни сотади, янги буюртмалар қабул қилади.**
**Тел.: 22-94-88; 155-86-31; 23-10-15;**
**факс:23-58-53**

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги "ASQAR" хусусий боғдорчилик хўжалигига берилган бурчакли штамп йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 111-мактаб томонидан 9-синфни тугатганлик тўғрисида 2004 йил 26 июнда Рохатова Саида Алишеровна номига берилган V № 0972009 рақамли шаохдатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Товар сертификатланган
"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ
Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чикарилган енгил ва юк автомобиллари хамда қишлоқ хўжалик (ғалласўриш комбайнн, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади
Пул ўтказиш йули билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади.
Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй
Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.
АЗ

Утерянный гос.ордер № 1643, выданный 15 декабря 1994 года на имущество ОАО "Санқуртаъмирлаш" Яккасарайского района г.Ташкента, считать недействительным.

ЧФ "STELLA-GUL" преобразуются в ООО "JASS-MUSIK", уставной фонд увеличивается с 300 000 тыс. сум до 400 000 тыс.сум. Притензии принимаются в течении двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 126-08-57.

Утерянный гос.ордер № 00-21/6835 от 10.08.1993 г. права собственности Йўлдошева Бахрамбая Ахмадовича на квартиру, считать недействительным.

**Информация о намерении приобрести акции**

1.Фамилия, имя, отчества инвестора – Арипов Рахмон Хакимович;
2.Полное наименование эмитента и его адрес – Открытое акционерное общество "Тошқурилишматериаллари ЛИТИ", г.Ташкент, ул.Пушкина, 66.
3.Тип приобретаемых акций – простые именные в безналичной форме;
4.Количество приобретаемых акций (штук) – 2000 штук.;
5.Объем приобретаемых акций (в процентах к общему объему уставного фонда общества) – 19,3 %.

**Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар диққатига!**
**"Жомий" ОАЖ "Кондор" навли, 2-йил репродукцияли ГОЛЛАНДИЯ УРУҒЛИК КАРТОШКАСИНИ СОТМОҚДА.**
**Ҳисоб-китоб – турли шаклда. Телефонлар: 167-93-32; 132-22-63.**

*Ширкат ва фермер хўжаликлари, МТП раҳбарлари, тадбиркорлар диққатига!*
**ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТИ СОТИЛАДИ**
"Узгаришагротаъминот" ОАЖ ўз корхонасида ишлаб чиқарилаётган беда пичани, буғдой сомонини боғлашда ишлатиладиган махсус полипропилен ип-шпагатини нақд пул ёки банк орқали маблағ ўтказиш йўли билан сотмоқда. Пресс-подборщикни ишлатишда қўлланиладиган бундай полипропилен шпагатлардан фойдаланиш чорва озуқасини тез ва сифатли йиғиштириб олиш имконини бериб, даромадингизга даромад қўшади.
**Манзил: Тошкент шаҳар, Камол Шарипов кўчаси 5-уй.**
**Тел. 79-85-01, 79-85-02.**

# Фермер фойда кўраяпти, ширкат эса...

**(Боши 1-бетда)**

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Косонсой туманида ҳам бу йил учта ширкат хўжалиги тугатилди.

Бу "Испарон", "Деҳқонобод" ва "Намуна" ширкат хўжаликларидир. Чунки ана шу хўжаликлар бир неча йилдирки йилни фақат зарар билан якунлаётганди. Улар негизида тузилган 118 та фермер хўжалигига 5655 гектар ер майдони узоқ муддатга ижарага берилди. Шундай қилиб, Косонсойдаги фермер хўжаликлари сони 418 тага етди.

– Улар томонидан етиштирилаётган маҳсулот ҳажми ҳам ортиб бормоқда, - дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Насимхон Убайдуллаев. –2003 йилда туманимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 17,5 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, ўтган йили бу рақам 33 фоизга етди. Бу йил туманимизда етиштириладиган ғалланинг 59, пахтанинг эса 57 фоизи айнан қишлоқ мулкдорлари улушига тўғри келиши кутилмоқда.

Косонсойдаги Ё. Худойбердиев номли ширкат хўжалиги ҳам бундан бир неча йиллар аввал нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ўзининг салмоқли ўрнига эга эди.

Масалан, хўжалик авваллари пахтаю ғалла бўйича режаларни туманда биринчилардан бажаришга муваффақ бўларди. Бироқ, сўнгги йилларда мазкур хўжаликда ҳам оқсоқлик сезила бошлади. 2003 йилда 1010 гектар майдонда пахта етиштириб, 23,5 центнердан ҳосил олишга эришилган бўлса, ўтган йили хўжаликда 19,9 центнердан "оқ олтин" йиғиб олинди. Кўриниб турибдики, ҳосилдорликнинг йилдан-йилга тушиб кетаётгани жиддий масалага айланиб бормоқда. Бу йил 706 гектар майдонда ғўза парвариш қилинаяпти. Далалардаги ниҳоллар ривожини эса кўнгилдагидек деб бўлмайди. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Н. Убайдуллаев бунинг сабабини май ойидаги тинимсиз ёғингарчиликлар билан боғлади. Табиат инжиқлиги сабаб экин ривожи 10-15 кунга кечикибди. Балки шундайдир.

Бу ширкат хўжалигига қўшни "Қўқумбой" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган "Истиқбол" фермер хўжалигида эса манзара бутунлай бошқача. Табиий-иқлим шароити бир-бирига жуда яқин. Фермер Зокиржон Мусаев эса об-ҳаводан нолимайди. Чунки у табиатнинг бундай инжиқликларига кўп бор гувоҳ бўлган, шундай пайтда нима қилиш кераклигини ҳам жуда яхши билади. Шу боис ҳам унинг 119 гектар ердаги пахта майдонларида ғўза ривожи кўнгилдагидек.

1994 йили 101 гектар майдонда иш бошлаган фермер айни пайтда 300 гектар майдонга эгалик қилаяпти. Фермер 2004 йили пахтадан 26, ғалладан эса 50 центнердан ошириб ҳосил олишга эришди. Ҳар йили етиштирилган пахтанинг 98-99 фоизи биринчи навга қабул қилинади. Шунга кўра йил якунида олинган умумий даромад 110 миллион сўмни ташкил этди. Дастлабки йилларда хўжаликда меҳнат қилаётганлар сони 40 кишини ташкил этган бўлса, бугун улар 120 нафарга етди. Фермер хўжалиги ихтиёридаги 12 та техника ҳамма ишни бажаришда қўл келаяпти.

– Ерларимиз иккита ҳудудда жойлашган. Бири унумдор, иккинчиси эса анчагина маблағ, меҳнат сарф қиладиган жой. Аммо менга ишониб шунча ерни бериб қўйишибдими, қандай қилиб бўлмасин уддалашим керак. Чунки фермерликда дангасалик кетмайди, - дейди Зокиржон ака. – Фермер бу – ҳаммаси ўзиники дегани. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Одам ўнг чўнтагидаги нарсани ўғирлаб, чап чўнтагига соладими? Йўқ, албатта. Ҳар нима қилмасин иккаласиям ўзиники. Ширкат хўжалигида эса бунақа эмас. Мен жуда яхши биламан, ғийбат бўлмасину ширкат хўжалиги раҳабарларининг унча-мунчаси ерга жон куйдиравермайди. Чунки улар ширкатни эмас, чўнтакни ўйлайди-да. Яширишнинг ҳожати йўқ, масалан, ўзим ҳам олдин бригадир бўлиб ишлаганман. Тўғриси, бепарво эдим. Топганимиз рўзғордан ортмасди. Эндичи? Мана қаранг, фермер бўлганимдан кейин оиламдан орттириб "Нексия" ҳам олдим. Меҳнатнинг меваси экан-да бу. Демакки, қанча яхши ишласак, ўзимизга шунча фойдали. Ҳукуматимиз биз каби фермерларга жуда катта имконият яратиб бераяпти. Ўттиз йилдан бери далада ишлайман. Очиғи, ҳеч қачон бу йилгидек таъминотнинг яхши бўлганини кўрмаганман. Банкка борсак пул нақд, уч фоизлик кредитни қийналмай оламиз. Буниям қўя турайлик, ўғитни даланинг тепасига олиб келиб беришяпти. Ростини айтай, илгари ҳеч бунақа бўлмаган. Эътибор degани шунчалик бўптида. Нефт маҳсулотларида ҳам камчилик бўлмади. Хуллас, энди фақат яхши ишлаш керак. Ахир ердан оладиган даромад ўзимизники-ю.

Газетада Президентимизнинг Фармонларини ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Энди ортиқча текширишлардан қутилар эканмиз. Чунки баҳона қилиб келадиганлар кўп бўлади-да. Буниям қўя туринг, майли. Ҳар битта текширувчи билан ишни якунлагунча бирга юрасиз. Шуни ўзига қанча вақт сарфлайсиз. Оқибатда режалаштирган ишларингиз чала қолиб кетади. Бирор бир кичикроқ корхона очиб, иш юритишга ҳам иккиланарди одам. Ке қўй, тинч турай дердингиз. Шу текшир-текшир қийнаворарди-да. Энди буларга чек қўйилади. Бемалол кўнглимизга тугиб қўйган ишларимизни бажарамиз. Буям биз учун катта имконият, ғамхўрлик...

**Шавкат ОРТИҚОВ**
**суҳбатлашди.**

